

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ҲАЗРАТОВ ОРИФЖОН РАЖАБОВИЧ

**КОРОНАР АРТЕРИЯЛАРНИ РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИДАН КЕЙИН
ЭШИТИШНИ СЕНСОНЕВРАЛ ЗАИФЛАШУВИ ВА БАРҚАРОР
ЗЎРИҚИШ СТЕНОКАРДИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ЭШИТИШ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳазратов Орифжон Ражабович

Коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин эшитишни
сенсоневрал заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардия билан
касалланган беморларда эшитиш реабилитациясини оптималлаштириш..... 3

Ҳазратов Орифжон Ражабович

Оптимизации слуховой реабилитации больных сенсоневральной
тугоухостью и стабильной стенокардией напряжения после
реваскуляризации коронарных артерий..... 25

Hazratov Orifjon Rajabovich

Optimization of auditory rehabilitation of patients with sensorineural hearing
loss and stable angina pectoris after coronary artery revascularization..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ҲАЗРАТОВ ОРИФЖОН РАЖАБОВИЧ

**КОРОНАР АРТЕРИЯЛАРНИ РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИДАН КЕЙИН
ЭШИТИШНИ СЕНСОНЕВРАЛ ЗАИФЛАШУВИ ВА БАРҚАРОР
ЗЎРИҚИШ СТЕНОКАРДИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ЭШИТИШ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3738 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)) Илмий Кенгаш веб саҳифасининг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Нуров Убайдулло Ибодуллоевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Хушвакова Нилуфар Жўракуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арифов Сайфиддин Сайидазимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қирғизистон давлат тиббиёт академияси
(Қирғизистон Республикаси)

Диссертация химояси 2025 йил «22» апрель соат 19³⁰ да Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 рақамли Илмий Кенгашнинг мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 26 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «10» апрель кuni тарқатилди.

(2025 йил «10» апрель даги 20 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Т. Уроков

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда сенсоневрал эшитиш заифлашуви билан касалланиш даражаси юқори бўлиб қолмоқда. «...2050 йилга келиб 700 миллиондан ортиқ инсон оғир даражали сенсоневрал эшитиш заифлашувидан азият чекиши тахмин қилинмоқда ва уларнинг аксариятида эшитишни қабул қилиш заифлашуви қайд этилади...»¹. Турли омиллар сенсоневрал эшитиш заифлашувини пайдо бўлиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Катталар орасида сенсоневрал эшитиш заифлашувини пайдо бўлишига мойиллик туғдирувчи тез-тез учрайдиган этиологик омил юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг фониди ҳосил бўлган мия қон айланишининг бузилишидир. Юрак-қон томир касалликларининг таъсири сенсоневрал эшитиш заифлашуви кўпайишига олиб келадиган муҳим омиллардан биридир.

Дунёда охирги йилларда сенсоневрал эшитиш заифлашувини ўрганишда катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда антиангинал дориларнинг эшитиш анализаторига таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд. Барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг ревазуляризациясидан сўнг, эшитиш бузилишларининг намён бўлиши хусусиятлари аниқ акс эттирилмаган. Шунингдек, беморларнинг ушбу контингентиди эшитиш протезининг кўрсаткичлари, табиати, ҳажми, кетма-кетлиги ва вақтини аниқлаштириш талаб этилади. Бинобарин, барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг ревазуляризациясидан кейин беморларда сенсоневрал эшитиш заифлашувинининг шаклланиши ва касаллик кечишини ўрганиш муаммоси оториноларингология ва тиббиётнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бугунги кунда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талаблари бўйича мослаштириш, сенсоневрал эшитиш заифлашуви бўлган беморларни ташхислаш ва даволашга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилишга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг

¹ Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) “Глухота и потеря слуха”, 2021 г. -<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/deafness-and-hearing-loss>.21

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

2023 йил 01 августдаги ПҚ-255-сон оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сонли қарори "Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари, Ушбу вазифаларни амалга оширишда, шунингдек ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганиш даражаси. Сенсоневрал эшитиш заифлашувини турли жиҳатларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бир неча асрлар давомида ва дунёнинг исталган мамлакати учун долзарблигича қолмоқда. Шу муносабат билан улар ушбу муаммони ўрганишда иштирок этадиган деярли барча йирик тиббиёт марказларида ўтказилди. Тадқиқотларнинг мақсади этиологик ва тасир қилувчи омилларни, асосий клиник кўринишларни аниқлаш, консерватив ва жарроҳлик даволаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш, эшитишни протезлаш ҳамда эшитишни реабилитация қилиш, шу билан биргаликда сенсоневрал эшитиш заифлашувини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида охириги йиллар давомида сенсоневрал эшитиш заифлашувини турли томонларини ўрганишга катта аҳамият қаратиб келинмоқда (Eisenhut M., 2019; Liu S S.,2022). Бу ҳолатни беморлар сонини мунтазам ошиб бориши, касалликнинг сабаблари патогенези, клиник кечиши ва даволаш билан боғлиқ қарашларни кенгайтириши билан боғлаш мумкин. Сенсоневрал эшитиш заифлашувини ўрганишга аҳамиятни ошишига амалиётга чизиқсиз эшитиш мосламалари, кохлеар имплантация каби инновацион реабилитация усулларини татбиқ этилиши муҳим таъсир кўрсатди (Дайхес Н.А.,2019).

МДХ мамлакатлари олимлари сенсоневрал эшитиш заифлашувини ўрганишга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг тадқиқотларида ушбу патологиянинг барча жиҳатлари–тарқалганлиги, этиологияси, патогенези, ташхисоти, клиникаси, даволаш ва реабилитацияси (Заболотний Д.И., Шидловский, А.Ю., 2020; Левина М.А., 2021) батафсил ўрганилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда маҳаллий олимлар катталардаги турли хил келиб чиқадиган сенсоневрал эшитиш заифлашувини ўрганишга бағишланган бир қатор илмий амалий тадқиқотлар ўтказдилар, хусусан, барқарор зўриқиш стенакардия билан касалланган беморларда эшитиш қобилияти бузилишини комплекс ташхислаш ва коррекциялаш(Арифов С.С, Қаландарова Д.А. 2021). Юрак ишемик касаллиги фонида ўткир сенсоневрал эшитиш заифлашуви бор беморларнинг эшитиш аъзосини ҳолати ўрганилган. Ҳозирги кунда барқарор зўриқиш стенакардиясида коронар артерияларнинг ревазуляризациясидан кейин беморларда нейросенсор эшитиш заифлашувини ҳолати ва эшитиш бузилишларини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар

етарли эмас. Юрак ишемик касаллигининг турли шакллари ва эшитиш бузилишининг турли хил намоён бўлиш хусусиятлари, коронар артерияларнинг реваскуляризацияси таъсири остида уларнинг динамикаси тўғри акс эттирилмаган. Стенокардия билан оғриган беморларда эшитишни протезлашга кўрсатмалар, табиати, ҳажми, кетма-кетлиги ва вақтини аниқлаштириш талаб этилади.

Шундай экан, юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эшитиш заифлашувини ривожланишини ўрганиш муаммоси оториноларингология ва тиббиётнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаса иш режалари билан боғлиқлиги. Илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “COVID-19” дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)" доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашувини ва беморларнинг эшитиш реабилитациясини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда коронар артерияларни реваскуляризациясидан олдин эшитиш аъзоси ҳолатини кенг қамровли баҳолашни амалга ошириш;

барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин эрта-бир ойдан кейин эшитиш аъзоси ҳолатини кенг қамровли баҳолашни амалга ошириш;

барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин кечги-бир йилдан кейин эшитиш аъзоси ҳолатини кенг қамровли баҳолашни амалга ошириш;

барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда коронар артерияларни реваскуляризациясидан олдин ва кейин бўйин ҳамда миёда қон айланишининг ҳолатини баҳолаш;

барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин эшитишни протезлашнинг самарадорлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти. Бухоро вилоят кўп тармоқли клиник марказининг кардиохирургия бўлимида ҳамда BUKHARA LOR MED CENTERE клиник базасида 2020-2025 йиллар давомида барқарор зўриқиш стенокардияси ва сенсоневрал эшитиш заифлашуви бўлган 109 нафар бемор.

Тадқиқотнинг предмети сифатида барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин сенсоневрал эшитиш заифлашуви билан касалланган беморларнинг психофизиологик ва объектив усуллари натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумий клиник, оториноларингологик, аудиологик ва статистик тадқиқот усуллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба клиник ва аудиологик тадқиқотлар натижалари асосида

коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда эшитиш даражасини ишонарли яхшиланиши аниқланган;

илк маротаба нутқ аудиометрия текшируви натижаларига кўра, коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда сўзларни англашни ижобий томонга ўзгариши ўз тасдиғини топган;

илк маротаба транскраниал текшируви натижаларига таянган ҳолатда, коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда Вилизкий доираси артериялардаги қон оқимини чизикли тезлигининг меъёрлашуви ва асосий вена ҳавзасидаги димланишнинг бартараф этилиши тасдиқланган;

коронар артерияларни реваскуляризациясидан кейин эшитиш мосламасидан фойдаланувчи беморларда COSI сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифати яхшиланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашуви бўлган беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин эшитиш пасайиши даражаси мониторингини аҳмиятлилиги кўрсатиб берилган;

барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашуви бўлган беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан сўнг нутқни англашни яхшиланиши эшитиш ҳолатини баҳолаш мезон сифатида аҳмиятлилиги кўрсатиб берилган;

барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашуви бўлган беморларига ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида оториноларинголог ва кардиологнинг доимий ўзаро боғлиқлигини аҳамияти баҳоланган.

Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишдаги назарий қарашларнинг аниқлиги, олиб борилган тадқиқот усулларининг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларни таҳлил қилишнинг статистик усуллари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган маълумотлар барқарор зўриқиш стенокардиясида II-III чи функционал синф беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин эшитиш аъзосининг ҳолатини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни оптималлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейинги даврларда нейросенсор эшитиш заифлашуви бўлган беморларга эшитиш қобилиятининг клиник ва аудиологик намоён бўлишининг ўзига хос натижалари, эндовазкуляар жарроҳлик амалиёти самарадорлигини баҳолаш ва эшитиш реабилитацияси муддати аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 22 июльдаги №04/21 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк мартаба клиник ва аудиологик тадқиқотлар натижалари асосида коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда эшитиш даражасини ишонарли яхшиланиши аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* барқарор зўриқиш стенокардияси билан касалланган беморларда эшитиш аъзоси ҳолатини баҳолаш усуллари такомиллаштириш ва унинг касалликларини ташхислаш самарасини ошириш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Навои вилоят қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (26.04.2024 й.; № 2977-5-72-ТВ/2024-сон) Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (07.04.2024 й.; № 1057-2-208-ТВ/2024-сон) ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й.; № 2877-2-34-ТВ/2024-сон) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда эшитиш ҳолатини баҳолашда ташхислашнинг турли усулларида оқилона фойдаланиш эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради бу эса беморлардаги когнитив бузилишларни олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: амалда аудиологик усуллар рўйхатини самарасиз танлаш кўплаб беморларга бошқа тадқиқотлар, биринчи навбатда нурли (бўйин ва бош мия томирларининг ультратовушли доплерографияси, бош мия МРТ текшируви) тадқиқотларини, кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳар бирининг нархи ўртача 270000 сўмга тенг бўлган тадқиқотларни тайинланишига олиб келади. Буларнинг барчаси, охир-оқибат, энг минимал ҳисоб-китобларга кўра, беморнинг харажатларини 2 баробар 540000 сўм оширади. Шу нуқтаи назардан, аудиологик усулларни етарли даражада танлаш нафақат тиббий, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам муҳим ҳисобланади. *Хулоса:* барқарор зўриқиш стенокардиясида сенсоневрал эшитиш заифлашувини ташхислаш учун зарур клиник аудиологик тадқиқот усуллари тўғри ташхис қўйишни ҳисобга олиниши, даволаниш самарасини оширишга, даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: илк мартаба нутқ аудиометрия текшируви натижаларига кўра, коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда сўзларни англашни ижобий томонга ўзгариши ўз тасдиғини топган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ушбу тавсияномада акс эттирилган тадқиқот натижалари барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин сенсоневрал эшитиш заифлашуви бўлган беморларда эшитиш аъзоси ҳолатини баҳолашни оқилона услубини танлаш ва унинг касалликларини ташхислаш самарасини ошириш имконини берган; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган

илмий-амалий маълумотлар Навои вилоят қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (26.04.2024 й.; № 2977-5-72-ТВ/2024-сон) Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (07.04.2024 й.; № 1057-2-208-ТВ/2024-сон) ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й.; № 2877-2-34-ТВ/2024-сон) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин эшитиш ҳолатини баҳолашда ташхислашнинг турли усулларида оқилона фойдаланиш эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради натижада ҳаёт сифати яхшиланган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: амалда аудиологик усуллар рўйхатини самарасиз танлаш кўплаб беморларга бошқа тадқиқотлар, биринчи навбатда нурли (бўйин ва бош мия томирларининг ультратовушли доплерографияси, бош мия МРТ текшируви) тадқиқотларини, кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳар бирининг нархи ўртача 270000 сўмга тенг бўлган тадқиқотларни тайинланишига олиб келади. Буларнинг барчаси, охир-оқибат, энг минимал ҳисоб-китобларга кўра, беморнинг харажатларини 2 баробар 540000 сум оширади. Шу нуқтаи назардан, аудиологик усулларни етарли даражада танлаш нафақат тиббий, балки иқтисодий нуқтаи назардан ҳам муҳим ҳисобланади. *Хулоса:* барқарор зўриқиш стенокардиясида сенсоневрал эшитиш заифлашуви бўлган беморларда эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятларни аниқ ташхислаш учун самарали клиник аудиологик усулларини тўғри ва оқилона танлаш беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илк маротаба транскраниал текшируви натижаларига таянган ҳолатда, коронар артерияларнинг реваскуляризациясидан кейин нейросенсор эшитиш заифлашуви ва барқарор зўриқиш стенокардияси мавжуд беморларда вилизий доираси артериялардаги қон оқимини чизиқли тезлигининг меъёрлашуви ва асосий вена ҳавзасидаги димланишнинг бартараф этилиши тасдиқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* юқоридаги транскраниал текшируви натижаларига мувофиқ барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашуви бўлган беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризацияси эндоваскуляр жарроҳлик амалидан кейинги ижобий ўзгаришлар дорилар полипрагазиясини олдини олиш, ўз навбатида даволаш натижаларини яхшилашга кўмаклашиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтириб, даволаниш жараёнини тезлаштириш имконинияти борлигини кўрсатади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Навои вилоят қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й 2717-5-72-ТВ/2024-сон) Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (17.04.2024 й.; №1057-2-208-ТВ/2024-сон) ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й.; 2878-2-34-ТВ/2024-сон) билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг реваскуляризацияси жарроҳлик амалиётидан кейинги ижобий ўзгаришлар эшитиш аъзоси билан

боғлиқ шикоятларни ўз вақтида бартараф этиш ҳисобига ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашувини даволанишни коронар артерияларнинг ревазуляризацияси жарроҳлик амалиётидан кейинги ижобий ўзгаришлар дорилар полипрагмазияси камайиши ҳисобига келажакда қиммат даволанишни тежашга имконини берган ҳамда беморларга сарфланадиган харажатларини ва ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағларини 450000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 360000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* Юқоридаги маълумотларга асосланиб барқарор зўриқиш стенокардиясида нейросенсор эшитиш заифлашувини даволашда коронар артерияларнинг ревазуляризацияси жарроҳлик амалиёти муҳимлиги, шу билан даволаниш вақтини ва иқтисодни тежаш имконини беради. ва ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағларини 450 000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 360000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: коронар артерияларни ревазуляризациясидан кейин эшитиш мосламасидан фойдаланувчи беморларда COSI сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифати яхшиланганлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларнинг ревазуляризациясидан кейин сенсоневрал эшитиш заифлашуви қисман сақланиб қолган беморларда эшитишни протезлаш COSI сўровномаси ёрдамида эшитиш яхшиланганлиги ва эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятлар камайганлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Навои вилоят қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й 2717-5-72-ТВ/2024-сон) Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (17.04.2024 й.; №1057-2-208-ТВ/2024-сон) ҳамда Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйруқ (16.04.2024 й.; 2878-2-34-ТВ/2024-сон) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда коронар артерияларнинг ревазуляризациясидан кейин сенсоневрал эшитиш заифлашуви қисман сақланиб қолган беморларни эшитиш мосламалари ёрдамида протезлаш орқали аъзоси билан боғлиқ шикоятларни ўз вақтида бартараф этиш ҳисобига ҳаёт сифатини ошириш имкониятини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* эндовазуляр жарроҳлик амалиётидан сўнг қисман сақланиб қолган сенсоневрал эшитиш заифлашувини даволашда ва эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятларни бартараф этиш учун, ночизиқли эшитиш мосламалари ёрдамида протезлаш ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағларини 450000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 360000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* сенсоневрал эшитиш заифлашувини даволашда эндовазуляр жарроҳлик амалиётидан сўнг қисман сақланиб қолган ва эшитиш аъзоси билан боғлиқ шикоятларни бартараф этиш учун, ночизиқли эшитиш мосламалари ёрдамида протезлаш ва дорилар полипрагмазиясини олдини олиш ҳисобига ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағларини 450000 сўмга,

бюджетдан ташқари маблағларни 360000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар, қисқартмалар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 111 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Эшитишни сенсоневрал заифлашуви ва унинг юрак-қон томир касалликлари билан ўзаро боғлиқлиги"** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган. Унда эшитиш анализаторининг функционал ҳолатини юрак-қон томир тизими ва мия ҳолати билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланган.

Диссертациянинг **"Тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллари ҳақида маълумот берилган. Барқарор зўриқиш стенокардияси ва сенсоневрал эшитиш заифлашувини билан касалланган 109 нафар 45 ёшдан 73 ёшгача бўлган (ўртача ёш– 65,27±1,1) беморларни Бухоро кўп тармоқли тиббиёт маркази ва BUKHARA LOR MED CENTERE клиник базасида 2020–2025 йиллар давомида мажмуавий текшириш ва даволаш ўтказилган. Беморлар ичида эркаклар 71–65,13% ва аёллар 38– 34.8% ташкил этган.

Сенсоневрал эшитиш заифлашувини касалликларнинг халқаро таснифининг ўнинчи ҳолати (КХТ-10) асосида ташхисланди. Эшитиш қобилиятини заифлашуви даражасини баҳолаш ЖССТ (1997) томонидан тавсия этилган тасниф қўлланилган.

Барқарор зўриқиш стенокардияси ташхиси европа кардиологлар жамиятининг сурункали коронар синдромни ташхислаш ва даволаш бўйича тавсияларига (2019) асосан кардиолог шифокор томонидан қўйилган.

Барча текширилган шахслар икки ёш гуруҳини ташкил этди (ЖССТ, 2024). Беморлар орасида ўрта ёш (45-59 ёш), кекса ёш (60-74 ёш) ёш гуруҳларига мансуб шахслар устун келди. Барқарор зўриқиш стенокардияси функционал синфлари (ФС) ҳисобга олган ҳолда, беморларнинг тақсимланиши қуйидаги кўринишда бўлган: III- ФС 48 нафар (60,76%), II-ФС 31 нафар (39,24%).

Беморлар 2 гуруҳга бўлинган.

Асосий гуруҳ–барқарор зўриқиш стенокардиясида коронар артерияларни реваскуляризация қилинган 79 нафар бемор.

Таққословчи гуруҳ-30 нафар бемор коронар артерияларнинг реваскуляризацияси жарроҳлик амалиётидан бош тортган, сенсоневрал эшитиш заифлашувида консерватив даво муолажаси қўлланилган.

Назорат гуруҳи 45 ёшдан 73 ёшгача бўлган 20 нафар амалда соғлом шахслардан ташкил топган. (ўртача ёш – $64,75 \pm 1,1$)

Тонал бўсаға аудиометрияси AMPLIVOX 240 аудиометрида ҳаво ва суяк ўтказувчанлиги бўйича 125 дан 8000 Гц гача бўлган частота диапазонида, ёпик овоз майдонидаги нутқ аудиометриясида ва АД-229 (Interacoustics, Daniya) ҳаво ўтказувчанлиги бўйича 125 дан 8000 Гц гача ва суяк ўтказувчанлиги бўйича 250 дан 8000 Гц гача бўлган частота диапазонида ўтказилди. Нутқ аудиометрияси AMPLIVOX 240 ва АД-229 аудиометрларида С. А. Агзамовнинг Ўзбек тилидаги сўзлар матни Г.С. Агзамова ва К.Д. Миразизов модификацияларида қўлланилган. Акустик импедансометрия паст частотали зондлаш оҳангида 235/АТ (Interacoustics, Daniya) импедансометрида бажарилган. Тимпанометрия ташқи эшитиш каналидаги босим +200 дан -200 Ра оралиғида ўзгарганда амалга оширилди. Тимпанограмма шаклини баҳолаш Ж. Жергер (1970) таснифига мувофиқ амалга оширилди. Шу билан бирга, худди шу курилмада рефлексометрия акустик ипсилатерал рефлексни рўйхатдан ўтказиш орқали, шунингдек қарама-қарши акустик рефлексни (АР) рўйхатдан ўтказиш учун қарама-қарши қулоққа акустик огоҳлантирувчи сигналларни юбориш орқали амалга оширилди. Ипсилатерал стимуляцияда акустик рефлекс чегараси баҳоланди. Отоакустик эмиссия текширишлари амалга оширилди. Мия қон айланиши ташқи ва интракраниал томирларнинг рангли дуплекс ултратовушли доплерографияси ёрдамида ўрганилди. Бўйиннинг асосий артерияларининг рангли дуплекс доплер ултратовуш текшируви 2,4 Мгц ултратовуш сигналининг ҳосил бўлган частотаси сенсорлари ёрдамида амалга оширилди. Умумий уйқу артериялари, ички уйқу артериялари, ташқи уйқу артерияси, умуртқа артериялари ҳолати экстракраниал даражада баҳоланди. Қон оқимининг чизиқли тезлиги ва эластик турдаги артерияларнинг эластик хусусиятларини тавсифловчи пульсатив Gosling индекси (Pi) ҳисоблаб чиқилган. Транскраниал рангли дуплекс доплер ултратовуш текшируви импульсли нурланиш режимида ишлайдиган 2 Мгц sensori ёрдамида амалга оширилди. Олдинги мия артерияси, умумий уйқу артериялари, орқа мия артерияси жойлашуви учун темпорал, умуртқа ва асосий артериялар-субоксипитал кириш усули ишлатилган. Қон оқимининг чизиқли тезлиги миянинг катта артерия доирасини ташкил этувчи артерияларда баҳоланди. Ички уйқу артериялари, олдинги мия артерияси, умумий уйқу артериялари, орқа мия артерияси интракраниал

бўлимлари, вертебробазилар ҳавзасининг томирлари чап ва ўнг умуртка артериялари ва асосий артериялар текширилди. Пурселонинг қаршилиқ индекси (Pi) ҳисоблаб чиқилган (микросиркуляция қаршилигини тавсифлайди). Сиқиш тестлари ёрдамида вилизий доираси томирлари орқали коллатерал қон оқимининг анатомик ва миоген захираси ва синус трансверзус ва Розентал базал венаси орқали қон оқимининг чизиқли тезлиги ҳолатига кўра, миянинг веноз қон айланиши баҳоланган.

Диссертасиянинг **"Барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда сенсоневрал эшитиш заифлашуви ва бош бўйин қон айланишининг ўзига хослиги"** деб номланган учинчи бобида барқарор зўриқиш стенокардияси бор бўлган 109 нафар беморда клиник-аудиологик текширув ўтказилган. Асосий гуруҳ-79 нафар беморда коронар артерияларнинг реваскуляризацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Таққословчи гуруҳ-30 нафар бемор коронар артерияларнинг реваскуляризацияси жарроҳлик амалиётидан бош тортган, сенсоневрал эшитиш заифлашувида консерватив даво муолажаси қўлланилган. Беморларнинг ёши 45 ёшдан 73 ёшгача. (ўртача ёши $65,72 \pm 1,2$ ёш). (1-жадвал)

1-жадвал

Текширилаётган беморларининг тонал бўсағали аудиометрияси кўрсаткичлари (коронар артерияларнинг реваскуляризациясигача, консерватив муолажаси қўлланилгангача ва соғлом беморлар)

Гуруҳлар	250		500		1000		2000		4000		6000		8000	
	Ҳ	С	Ҳ	С	Ҳ	С	Ҳ	С	Ҳ	С	Ҳ	С	Ҳ	С
Асосий гуруҳ n=79	29,01±2,33*	25,57±3,43*	16,85±3,48*	34,43±3,60*	43,29±3,59*	41,46±4,64*	52,97±2,64*	44,19±4,76**	60,06±2,10*	47,46±3,85**	61,39±1,85**	55,42±3,84**	61,01±3,21*	58,12±1,28*
Таққословчи гуруҳ n=30	28,83±1,94*	15,43±3,39*	39,50±2,14*	25,55±3,21*	46,50±2,79*	43,22±4,55*	54,50±2,76*	39,50±2,14*	60,83±2,35*	65,17±1,98*	65,17±1,98*	68,83±2,33*	68,83±2,33*	57,26±2,55*
Назорат гуруҳи n=20	9,25±0,54	8,85±0,65	9,25±0,45	7,74±0,61	10,00±0,59	5,41±0,44	11,00±0,70	7,7±0,59	8,75±0,58	6,4±0,34	10,00±0,66	8,88±0,66	10,00±0,59	20,05±0,55

Эслатма. * - назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли ўзгаришлар ($p < 0,05$).

Умумий беморлар сонининг 71(89%) нафари турли даражадаги кулоқ битишига шикоят қилган, бу ҳолат уйқудан кейин янада аниқ намоён бўлган. Ушбу аломат кўпинча эшитиш найларининг дисфункциясида топилганлигини ҳисобга олиб, уни истисно қилиш учун уларнинг ўтказувчанлиги баҳоланган. Барча беморларда эшитиш найларининг ўтказувчанлиги ноль ("бўш" ютиниш)


ёки биринчи (Тоинби синамаси) даражада аниқланган. Беморларнинг 71 нафари (89%) турли ҳилдаги шовқиндан шикоят қилишган, улардан 41 нафари (57.7%) икки томонлама, 14 нафарида бир томонлама бўлган. 52 нафар беморда доимий, 22 нафар беморда даврий бўлиб, шулардан 43 нафар беморда юқори частотали, 32 нафар беморда эса турли частотали шовқин жамланмасидан иборат бўлган.

Беморларни текшириш жараёнида нутқни англашидаги ўзгаришлар мавжудлиги қайд этилган. Бу беморларнинг 45 (63,3%) нафарида доимий, қолган 26 (36,6%) нафарида шовқинли шароитда намоён бўлган.

Субектив эшитиш қобилиятининг пасайиши 42 (68.35%) нафар бемор томонидан қайд этилган.

Эшитишни С128 камертони ёрдамида текширилганда, ўрганилаётган беморларнинг 48 нафарида (60.7%) товушни қабул қилувчи тури бўйича эшитиш пасайиши аниқланган.

Тонал бўсаға аудиометриясининг кенгайтирилган частота диапазони ёрдамида барча ўрганилаётган беморларда товушларни қабул қилиш чегараларининг ошиши аниқланган. Оддий частота диапазонидаги тонал бўсаға аудиометрия натижасига кўра 76 (96,2%) нафар беморда товушни қабул қилувчи тури бўйича эшитиш бузилиши аниқланган. Улар орасида 24 нафар беморда биринчи, 38 нафар беморда иккинчи ва 14 нафар беморда учинчи даражали эшитиш пасайиши аниқланган. 11 нафар беморда юқори частотали зонада ҳаво ва суяк ўтказувчанлиги чегаралари ва ўртача ҳаво кўрсаткичи қайд этилган. Эшитиш қобилиятини пасайиши биринчи ва иккинчи даражали сенсоневрал эшитиш заифлашуви бўлган беморларнинг устунлиги билан аниқ намоён бўлган. (1-расм)




- 1- даражали эшитиш заифлашуви
- 2- даражали эшитиш заифлашуви
- 3- даражали эшитиш заифлашуви


1-расм. Эшитиш қобилиятининг бузилиши даражасини ҳисобга олган ҳолда биринчи гуруҳ беморларининг рақамларда тақсимланиши.

Кичик (қисқа) интенсивлик ўсишига сезгирликни аниқлаш- SISI тести 72 нафар беморда ўтказилган. Тадқиқот 2000 Гц частотада амалга оширилган. 46 (63.88%) нафар беморда SISI индекси 70-100% оралиғида бўлган, бу товуш баландлигини тезкор ошиш феномени мавжудлигини кўрсатган. Нутқ аудиометрияси 59 нафар беморда ўтказилган. 42 (71%) нафар беморда нутқни 100% тушунарлилига эришилмаган. Қолган 15 нафар беморда нутқ

аудиограммаси эгри чизиғи максимал қийматга эришгандан сўнг, товуш кучининг янада ошиши билан нутқ равшанлигининг тескари пасайиши кузатилган ва эгри чизиқ "илгак" кўринишига эга бўлган. Эгри чизиқнинг максимал даражаси товуш кучи $71,7 \pm 0,2$ дБ, нутқнинг ўртача тушунарлилиги $83,5 \pm 0,4$ % бўлган. 10 нафар беморда нутқнинг 100% тушунарли бўлиши аниқланган (2-расм).



2-расм. Асосий гуруҳ беморларининг умумлаштирилган аудиограммаси



3-расм. Такқословчи гуруҳ беморларининг умумлаштирилган аудиограммаси

4000-8000 Гц диапазонида чегаранинг ошиши билан оддий частота диапазонида аудиограммада ҳаво ўтказувчанлиги эгри чизиғининг кескин пастга тушадиган тури аниқланган.

Клиник ва аудиологик текширув такқословчи гуруҳдаги 30 нафар беморда ўтказилган. (3- расм)

Беморларнинг умумий сонидан 14 нафари (46,6%) шовқин борлигидан шикоят қилган. Улардан 9 нафарида (62,3%) икки томонлама ва 5 нафарида бир томонлама бўлган. 9 нафар беморда шовқин доимий, 5 нафар беморда даврий бўлган. Шикоят қилган ҳамма учун бу шовқин юқори частотали характерга эга бўлган.

Субъектив эшитиш қобилиятининг пасайганлиги 18(53,3%) нафар беморда қайд этилган, улардан 5 нафари доимий ва 14 нафари мураккаб акустик шароитда бўлган (шовқинли ҳолат, бир вақтнинг ўзида бир нечта одамнинг ўзаро алоқаси).

Эшитишни С 128 камертони ёрдамида текширилганда, ўрганилаётган 19 нафар беморда (63.3%) товушни қабул қилувчи тури бўйича эшитиш пасайиши аниқланган. Текшириш натижаси кўрса оддий частота диапазонидаги тонал бўсаға аудиометрияси билан 23 нафар беморда товушларни қабул қилиш чегараларининг ошиши ва товушни қабул қилиши тури бўйича эшитиш қобилиятининг бузилиши аниқланган. 16 нафар беморда биринчи, 7 нафар беморда эшитиш қобилиятининг пасайишини иккинчи даражаси, 7 нафар беморда эшитиш қобилиятининг пасайишини учинчи даражаси қайт қилинган. Биринчи гуруҳдаги беморларда бўлгани каби, иккинчи гуруҳдаги 7 нафар беморда ҳам юқори частотали зонада ҳаво ва суяк ўтказувчанлигининг

чегаралари ошган ва уларнинг ўртача ҳаво ўтказувчанлигининг кўрсаткичи 2 даражали эшитиш қобилиятини йўқотиш даражасига (26 дБ дан кам) етиб бормаган.

Беморлар аудиограммасида кўпинча кескин пасайиш 14(46,6%) нафар беморда горизонтал, 10(33,4%) нафар беморда ярим тушувчи, 5(16,6%) нафар беморда ботувчи 1(3,3%) ҳаво ўтказувчанлигининг эгри чизиқлари аниқланган.

Таққословчи гуруҳ беморларида ҳаво орқали ўтказиш чизиғининг тик пасаювчи эгрилик кўриниши энг кўп аниқланган 12(41,4%) нафар беморда, кейинги ўринларда горизонтал 9(31%) нафар беморда, аста пасаювчи 7(24,1%) нафар беморда, ва ботиқ 1(3,5%) нафар беморда аниқланган.

Кичик (қисқа) интенсивлик ўсишига сезгирликни аниқлаш-SiSi тести 21 беморда ўтказилган. Тадқиқот 2000 Гц частотада амалга оширилган. 9 (30%) нафар беморда SiSi индекси 80-100% оралиғида бўлган, бу товуш баландлигини тезкор ошиш феномени (ТБТОФ) мавжудлигини кўрсатган.

Нутқ аудиометрияси 30 нафар беморда ўтказилган. 16(53,3%) нафар беморда нутқни 100% тушунарлилига эришилмаган. Бундан ташқари 5 нафар беморда максимал қийматга эришилгандан сўнг, нутқ аудиограммаси эгри чизиғи горизонтал чизиқ шаклида давом этган. Эгри чизиқнинг максимал даражаси товуш кучи $72,4 \pm 0,3$ дБ, нутқнинг ўртача тушунарлилиги эса $94,8 \pm 1,3\%$ бўлган.

Икки беморда нутқ аудиограммаси эгри чизиғида максимал қийматга эришгандан сўнг, товуш кучининг янада ошиши билан нутқнинг тушунарли фоизининг тескари пасайиши кузатилган ва эгри чизиқ "илгакча" кўринишига эга бўлган. Эгри чизиқнинг максимал даражаси $73,4 \pm 0,5$ дБ га, нутқнинг ўртача тушунарлилиги эса $89,2 \pm 0,1\%$ га ўрнатилган. ОАЭ 19 (63,3%) нафар беморда қайд этилмаган.

Асосий, таққословчи ва назорат гуруҳидагиларда тимпанограмманинг А тури қайд этилган. Тимпанограмманинг амплитудаси, босими ва тепалик градиенти кўрсаткичлари таққосланган гуруҳларда фарқ қилмаган.

Сенсоневрал эшитиш заифлашувида ва барқарор зўриқиш стенокардиясинг ФС ўртасида муносабатлар аниқланган.

Барқарор зўриқиш стенокардиясида сенсоневрал эшитиш заифлашуви бор беморларнинг 27 нафарида ташқи ва интракраниал томирларнинг рангли дуплекс ултратовушли доплерографияси ёрдамида бош миёда қон айланиши ўрганилган. Ёшга боғлиқ қон томир ўзгаришларининг ўрганилган параметрларга таъсирини истисно қилиш учун, тадқиқотга фақат 43 ёшдан 74 ёшгача бўлган беморлар ва сурункали патологияси ҳамда қандли диабет бор беморлар киритилмаган. Биринчи гуруҳда 19 нафар ва иккинчи гуруҳда 8 нафар беморда бош миёда қон айланиши текширилган.

Назорат гуруҳига 43 ёшдан 74 ёшгача бўлган 6 нафар амалий соғлом кишилар киритилган. Иккала гуруҳни қон оқимининг чизиқли тезлиги ва Пульсацияланувчи Gosling индекси(Pi), умумий уйқу артериялари, ички уйқу артериялари, ташқи уйқу артериялари, умуртқа артериялари кўрсаткичлари бўйича таққослашда миёни қон билан таъминлашда гемодинамик фарқлар аниқланмаган. Иккала гуруҳдаги беморларда умумий уйқу артериялари, ички

уйқу артериялари, ташқи уйқу артериялари, умуртқа артерияларидаги қон оқимининг чизиқли тезлиги, R_i кўрсаткичлари назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмаган ($P>0,1$).

Иккала гуруҳдаги беморларда миоген регуляция захираси назорат қийматларидан ($P>0,1$) фарқ қилган, бу конвекситал артериялар анастомозларининг етарли даражада ишламаслигини кўрсатган.

Биринчи гуруҳдаги беморларнинг 75,3 фоизида виллизий доираси веноз чиқиш қийинлашган, иккинчи гуруҳда эса 25,4% веноз чиқиш қийинлашган.

Интракраниал томирларнинг ҳолатини ўрганиш натижалари қуйидагича бўлган:

Иккала гуруҳни қон оқимининг чизиқли тезлиги ва R_i умуртқа артериялари, орқа мия артерияси, ўрта мия артерияси кўрсаткичлари бўйича таққослашда мияни қон билан таъминлашда фарқлар аниқланмаган. Иккала гуруҳда ҳам орқа мия артерияси, ўрта мия артерияси, қон оқимининг чизиқли тезлиги ва R_i назорат гуруҳига нисбатан фарқ қилмаган ($P>0,05$). Орқа мия артерияси, ўрта мия артерияси ва олдинги мия артерияси ҳавзасидаги иккала гуруҳда ҳам қон оқимининг чизиқли тезлиги кўрсаткичларида ишонарли фарқлар бўлмаган ($P>0,05$).

Вертебробазиляр ҳавзасида қон оқимининг чизиқли тезлигининг сезиларли пасайиши аниқланган. Бу иккала томоннинг умуртқа артериялари ва асосий артерия кўрсаткичларида акс этган. Биринчи гуруҳда бу ўзгаришлар сезиларли ($P<0,05$), иккинчи гуруҳда эса назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз фарққа ($P>0,05$) эга бўлган. Биринчи гуруҳ беморларида сезиларли ўзгариш ($P<0,05$) ва иккинчи гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишончсиз фарқ ($P>0,05$) кузатилган.

Таққословчи гуруҳ беморларида мия ичидаги қон айланишнинг ўзгариш кузатилган ва қон оқимини чизиқли тезлигининг асосий ва умуртқа артерияларида сусайиши, томирларнинг анатомик резервини 85,7% гача камайиши, 79,7% асосий веналар ҳавзасида веноз чиқиб кетишнинг (иккинчи гуруҳда 43,2% мос равишда) қийинлашуви билан намоён бўлган.

Интракраниал томирлар ҳолати кўрсаткичларининг эшитиш қобилияти ва ФС даражаси билан боғлиқлигини таҳлил қилганда қуйидагилар аниқланган:

- II-III ФС барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда иккала гуруҳдаги назорат гуруҳи билан таққослаганда қон оқимини чизиқли тезлигининг сезиларли даражада пасайиши қайд қилинган;

- биринчи гуруҳда II-III ФС барқарор зўриқиш стенокардияси билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан R_i да сезиларли ўзгариш юз берган.

- I ва II даражали эшитиш пасайган беморларда қон оқимининг чизиқли тезлигининг ва R_i да сезиларли силжишлар кузатилган.

Ўрганилаётган интракраниал томирларнинг кўрсаткичларида сезиларли ижобий силжишлар мавжуд бўлганда, эшитиш қобилиятининг бузилиши ва барқарор зўриқиш стенокардиясида ФС янада аниқроқ намоён бўлган, бу улар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган.

Диссертациянинг **"Коронар артерияларнинг реваскуляризацияси дан кейин барқарор зўриқиш стенокардияси бўлган беморларда сенсоневрал эшитиш заифлашувини даволаш ва эшитишни протезлаш"**

деб номланган тўртинчи бобида бизнинг кузатувимиз остидаги юрак жарроҳи томонидан коронар артерияларни реваскуляризация қилиш тавсия этилган барқарор зўриқиш стенокардияси ва сенсоневрал эшитиш заифлашуви бор бўлган 109 бемордан 79 нафари коронар артерияларни реваскуляризация қилишга рози бўлган беморлар.

Асосий гуруҳ-79 нафар бемор коронар артерияларни реваскуляризация қилган.

Таққословчи гуруҳ-30 нафар бемор коронар артерияларнинг реваскуляризацияси жарроҳлик амалиётидан бош тортган, сенсоневрал эшитиш заифлашувида консерватив даво муолажаси қўлланилган.

